

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВА ЎРТА МАХСУС ТАЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
Қурилиш факультети
Био иншоотларни лойиҳалаш ва сервис кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА
ТУШУНТРИШ ХАТИ

Диплом лойиҳасиниг мавзуси:Самдаки қошидаги
2-талабалар турар жойи биносини модернизация
қилиш

Битирувчи 401 сервис гуруҳ талабаси: Хайдарова.Г

Кафедра мудири:БайзаковА.А.

Диплом лойиҳаси рахбари:Махмудов.М.

САМАРҚАНД – 2015 ЙИЛ

Мундарижа

Кириш.....	
Дастлабки маълумотлар.....	
I.Боб. Лойihalаш соҳаси.....	
1.1.Биодакечадиганфункционал жараёнлар.....	
1.2. Бинонинг ҳажмий режавий ечими.....	
1.3Бионинг конструктив ечими.....	
1.4.Бионинг техник ҳолатининг тадқиқот.....	
1.5.Бионинг техник ҳолатининг ШНҚва ҚМҚ талабларига мослиги.....	
Хулоса.....	
II БОБ.Технология соҳаси ва меҳнат муҳофазаси.....	
2.1.Ишлар ва иш ҳаққи ва меҳнат калкуляцияси.....	
2.2.Ишчиларнинг ишини шаклантириш.....	
2.3.Бажарилган ишларнинг ҳажмини аниқлаш.....	
2.4Меҳнат муҳофазаси.....	
III БОБ Биоларни эксплуатация қилиш соҳаси.....	
3.1.Иситиш системасини ҳисоби ва лойиха учун асосий маълумотлар.....	
3.2.Ташки деворнинг техникавий иссиқлик ҳисоби.....	
3.3.Ташки девор калинлигини аниқлаш.....	
3.4.Тўсиқ қурилмаларидан иссиқлик юқолишини ҳисоблаш.....	
IV БОБ .Ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги.....	
4.1.Ёритилганлик.....	
4.2 Бинонинг таъмирлаш жараёнидаги ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	
V. БОБ Экология ва атроф муҳит муҳофазаси.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
Интернет сайтлари.....	

Кириш

Президентимиз И.А.Каримовнинг капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни гуруҳлаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳарсозликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2000 йил 26 апрел фармонида мувофиқ архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятининг даражаси ва сифатини яхшилаш, бу соҳадаги ишларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида шаҳарлар ҳамда аҳоли турар жойларининг замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган комплекс ривожланишни таъминлаш устида анча ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ келади.

Таъмирлаш ишларини бажариш ғоят долзарб, мураккаб, объектларда катта меҳнат сарфи билан боғлиқ таъмирлаш қурилиш ишларини бажариш билан боғлиқ лойиҳалаш, технологик, биноларни эксплуатация қилиш соҳалари, меҳнат муҳофазаси, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби ишлар доимо оптимал даражада йўлга қўйилиши лозим.

Ҳозирги тезкор ривожланиш даври бу масалаларга чуқур назар солиш лозимлигини уқтирмакда. Акс ҳолда анча қалоклик ҳукм суриши ҳам мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда менинг ҳам диплом лойиҳаси мавзуси қуйидагича “Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги, қуриши чекланган болалар ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ётоқхона биносини қайта таъмирлаш”.

Ушбу диплом лойиҳани амалга оширишда қурилиш услубини танлаш, миллийлик ва замонавийликка эътибор қаратиш зарур деб ҳисобладим.

Республикаимиз кенгхудудли, бино ва унинг ташқи канструкцияларига турлича иқлимий шароитлар таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бино энергия самарадорлигини ошириш зарур.

Бу мақсадда чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги инобатга ҳам олинди.

Жисмоний ва маънавий эскиришлар вужудга келган бинони вақтида қайта таъмирлаш бинонинг мустаҳкам, турғун бўлишини таъминлаш билан

бирқаторда унга янги бир ноёблик, гўзаллик, яъни меъморий-бадийликни бағишлайди.

Дастлабки маълумотлар

Лойиҳаланаётган бинонинг синфи II, унга боғлиқ ҳолда узоққа чидамлилиқ ва оловбардошлиқ даражаси ҳамда бинога қўйиладиган бошқа талаблар белгилаб олинади.

Қурилиш жойи Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги.

7-балли зил зилавий ҳудуда жойлашган.

Тупроқнинг музлаш чуқурлиги- ер сатҳидан 30 см пастликда.

Ер ости сувларининг сатҳи- ер сатҳидан 8.7 м. пастликда.

Топшириққа биноан қайта таъмир ишлари олиб бориладиган ҳудуд Навоивилояти Навои шаҳри ҳисобланади.

Ушбу тамир ишларини бажаришда ҚМҚ 2.08.02-96 “Жамоат бинолари ва иншоатлари” Тошкент, 1996 йил ва ШНҚ 2.08.02-09 “Жамоат бинолари ва иншоатлари” Тошкент, 2009 йилдан фойдаланилди.

ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” Тошкент, 1996 йилга асосланиб Навоий вилояти 7 балли сейсмик ҳудудга киради.

ҚМҚ 2.01.01-94 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” Тошкент, 1994 га асосланиб шамолнинг бош йўналишини аниқлаб олдим.

Қуйидаги жадвалда зарурий маълумотлар келтирилган шамол йўналишининг қайталаниши, %, йўналиш бўйича шамолнинг ўртача тезлиги, м/с бирликда келтирилган.

Самарканд вилояти Булунгур тумани учун шамол йўналишини тузиш учун маълумотлар.

Ой Томонлар	Ш	ШШҚ	ШҚ	ЖШҚ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
Январ	$\frac{3}{1.3}$	$\frac{3}{1.3}$	$\frac{35}{2.5}$	$\frac{32}{2.7}$	$\frac{2}{2.2}$	$\frac{6}{4.2}$	$\frac{6}{2.8}$	$\frac{7}{2}$
Июл	$\frac{12}{2.8}$	$\frac{38}{2.8}$	$\frac{22}{2.4}$	$\frac{2}{1.3}$	$\frac{0}{-}$	$\frac{1}{1.4}$	$\frac{4}{2}$	$\frac{8}{2}$

Ичимлик сувлари ва оқова сувларини келтириш ва чиқариб кетиш эса ҚМҚ 2.04.01-98 “Внутренний водопровод и канализация” Тошкент-1998 йил талабларидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Худди шундай бинони иситиш, шамоллатиш ва канализация қилиш эса ҚМҚ 2.04.05-97 “Отопление, вентиляция и кондиционирование”, Тошкент-1997 йил, талабларини инобатга олиб амалга оширилади.

Лойиҳалаш соҳаси

I.БОБ. ЛОЙИҲАЛАШ СОҲАСИ

1.1.Бинода кечадиган функционал жараёнлар.

Биномизкуриши чекланган болалар ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ётокхонаси.Вазифасига кўра бино Кузи ожиз боларни хордик чиқаришлари ва шу ётокхонага туриб таълим олишлари учун хизмат қилади.(бино доимо тоза тутилиши шарт).

Бинога бегоналарнинг кириши назоратга олинган.Бинода доимо санитария тозаликишлари 1-навбатда бўлиши керак, идиш товоқларни, хоналарнитозалиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Хона - бионинг асосий таркибий қисми ёки элементидир. Хона учун асосий нарса - бу унинг функционал вазифасидир яни болаларнидам олишидан иборатдир.

Бинолардаги хоналарни вазифаларига қараб асосий (ишчи), ёрдамчи ва ком-муникация хоналарига бўлинган

Асосий хоналарга бионинг функционал вазифасига мос равишда кишилар томонидан бажариладиган фаолиятга мўлжалланган хоналар киради, яъни ёток хоналари.

Бироқ,бинодаги асосий жараённи амалга ошириш учун асосий хоналардан ташқари бошқа хоналар ҳам керак бўлади. Шулардан бири ёрдамчи хоналардир. Улар бинода амалга ошириладиган жараёнларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур, лекин бионинг вазифасини белгиламайдилар, бунга квартирадаги ошхона, ваннахона, ҳожатхона кабилар.

Бинолардаги асосий ва ёрдамчи функционал вазифаларни бажарувчи барча хоналар коммуникация хоналари воситасида ўзаро боғланган бўладилар. Уларнинг асосий вазифаси - кишиларнинг ҳаракатланишига қулайлик яратишдир (каридор, йўлакларва шунга ўхшашлар)

1.2. Бинонинг ҳажмий режавий ечими.

Таъмирланаётган бино режада тўғри тўртбурчак шаклида жойлашган. Бино узунлиги- 42.6метр, эни - 12.0 метр. Қаватлар баландлиги - 3 метр. Бино баландлиги - 6 метрни ташкил этади. Бинода мавжуд хоналар рўйхати чизмада батафсил келтириб ўтилган.

Хоналар рўйхати келтирилди.

[illegible]

Бино хоналари сифатли хоналардан иборат қилиб ва бугунги кун талаблари даражасига хос этиб лойиҳаланди ва таъмирлаш ишлари олиб борилди

1.3.БИНОНИНГ КОНСТРУКТИВ ЕЧИМИ

Бинонинг конструктив ечими лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида конструктив ва қурилиш системаларини ҳамда конструктив схемаларни танлаш билан белгиланади.

Конструктив система бинонинг мустаҳкамлигини, устиворлигини таъминлов-чи, ўзаро боғланган юк кўтарувчи конструкцияларнинг мажмуасидир. Бинодаги юк кўтарувчи конструкцияларни горизонтал ва вертикал элементлардан иборат.Горизонтал юк кўтарувчи конструкциялар (том ёп-малари, қаватлараро ёпмалар) ўзларига тушадиган барча вертикал юкларни қабул қилиб олиб, вертикал юк кўтарувчи конструкциялар (деворлар)га ўзатади ва вертикал юк кўтарувчи конструкция эса лентасимон яхлит бетон пойдеворга узатади. Шу билан бирга горизонтал юк кўта рувчи конструкциялар бинодаги бикрлик диафрагма вазифасини ҳам бажаради, яъни горизонтал юклар ва таъсирларни (шамол, zilзила ва бошқа таъсирларни) қабул қилиб вертикал юк кўтарувчи конструкцияларга узатади.

Горизонтал юкларни вертикал конструкцияларга узатишни турли усуллар билан амалга ошириш мумкин.Вертикал юк кутарувчи конструкциялар турли хил. Бу конструкцияларнинг тури конструктив системаларни турларга бўлиш учун белги бўлиб хизмат қилади.

Бино қуйидаги конструксиялардан ташкил топган.

Қурилиш конструкциялари - Қурилиш конструкцияларидеганда қурилиш ишлари жараёнида ўзаро боғланган элементлардан яралган бино ёки иншоотнинг турли вазифага мўлжалланган (бино девори, том, ёпма, пойдевор ва шунга ўхшаш) қисми тушунилади.

Асос—Асосбинонинг энг пастки қисмида жойлашган тупроқ массиви бўлиб, улар бинодан тушадиган барча юкларни пойдевор орқали ўзига қабул

қилади. Асос чўкувчан грунтдан иборат ва зарурий тадбирлар қўллбаб кучайтирилган.

Пойдевор-Бионинг пойдевори лентасимон яхлит бетондан қилинган. Бионинг асосий конструктив элементларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пойдевор ҳам бионинг пастки қисмида жойлашган бўлиб, бинодан тушадиган юкларни ўзига қабул қилиб асосга узатувчи конструкциядир. Пойдеворнинг сифати бино тақдирини бэлгилаб беради.

Пойдевор лентасимон монолит бетондан иборат бўлиб, унинг таглигининг эни $\delta = 800\text{мм}$, чуқурлиги полга нисбатан $-1,6\text{ м}$ да жойлашган. У барча асосий деворларнинг остига қилинган. Пойдевор учун бетон синфи В12,5 ва А-II арматура турлари билан жиҳозланган. Пойдеворнинг ташқи сирти қиздирилган битум мастикаси билан икки марта суртилади. Қоришма қатлам орасига сейсмиклиги 7 балли бўлгани учун диаметри 10 мм бўлган 4 дона бўйлама ар-матура ётқизилган. Бўйлама стерженлар ҳар 400 мм да кўндаланг стерженлар билан бириктирилган.

Деворлар- Деворлар пишган ғиштдан қалинлиги 380 мм қилиб қурилган. Бўйлама деворлар юк кўтарувчи, кўндаланг деворлар ўз ўзини кўтарувчи қилиб бажарилган. Деворлар эксплуатация даврида физик емирилишларга эга бўлган. Унинг миқдори 5%гача бўлганлиги инобатга олинса у девор учун “Кичик” миқдор ҳисобланади.

ОраваТомёпма Плиталари Ёпмалар – горизонтал конструкция бўлиб биноларни баландлиги бўйича қаватларга ажратади.

Биноларнинг баландлиги бўйича қаватларга ажратиб турувчи горизонтал конструкция ора ёпма дейилади. Ора ва том ёпмаларнинг қиймати бионинг ўртача умумий баҳосининг 20% ни ташкил қилади.

Ора ёпма конструкциялари отсек чегарасида горизонтал ва вертикал текисликлар бўйича бикр мустаҳкам. Вертикал элементларга боғланган.

Бу боғланиш горизонтал кучларни вертикал элементларга узатиши зилзила жараёнида конструкцияларнинг биргаликда ишлашини таъминлайди.

Ора ёпма плиталар йиғма темирбетон плиталардан иборат бўлиб серияси 1.141.1 -выпуск 1, маркаси ПК71 12-4,5 АТУ, С8 бўлиб плитанинг узунлиги

$L=5,90$ м; эни $B=1,20$; $1,00$ м қалинлиги $\delta = 220$ мм ни ташкил этади ва деворга таяниш масофаси 120 мм.

Плитали ёпмалар кранлар ёрдамида монтаж килингандан кейин плиталар орасидаги чоклар қоришма билан тўлдирилган. Бу эса ёпмаларни изоляция хусусиятини яхшилайти. Натижада яхлит горизонтал диск ҳосил бўлади. Булар эса бинонинг фазовий барқарорлигини ва зилзила бардошлигини оширади.

Том-Том асбиста цемент шифердан бўлиб нишаблиги 38° ни ташкил қилади.

Том бинонинг устки якунловчи уни қор, ёмғир ва бошқа нобоп таъсирлардан ҳимоя қилувчи қисмидир. Томлар куч ва куч бўлмаган ташқи таъсирларнинг мураккаб комплекси: доимий ва вақтинчалик юклар, шамол, қор босими, температура, қуёш радиацияси, ёғин-сочин, агрессив кимёвий моддалар таъсири остида ишлайди.

Дераза блоки- кесаки ва тавақалардан иборат ойнаванд конструктив элемент. Бинодаги хоналарни табиий ёритишга хизмат қилади. Дераза блоки – стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали тахтадан КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.238-10 выпуск 1 ГОСТ 11214-81 уларнинг маркаси ОСП18-15; ОСП18-18, уланинг улчамлари баландлиги $h=1,70$ м эни $B=1,4$ м; лардан иборат бўлган конструкциялар жойлашган.

Эшик блоки- ҳам кесаки ва тавақалардан ташкил топади. Бинодаги хоналарни ўзаро боғлаш учун керак.

Эшик блоки –стандарт бўлиб Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган дераза блоки, материали тахтадан КСИ-85/Ўз дан қабул қилиниб серияси 1.136-6 выпуск 1 ГОСТ 6629-81 уларнинг ўлчамлари баландлиги $h=2,10$ м эни $B=0.9$ м; 1.4 м; 1.2 м; лардан ташкил топган ва уларнинг қалинлиги 64 мм дан ташкил топган.

Поллар -бинолардаги хоналарда кузи ожиз болар учун шинам шароит яратиш ва санитария гигиена талабларига жавоб берадиган сирт ҳосил қилиш учун цоколь устида ёки биринчи қаватларда бевосита грунт устида пол қилинади.

Ички пардоз – бинонинг ҳамма ички деворлари ғишдан иборат бўлгани учун бинонинг ички томони оҳак қум қоришмаси ҳажмий оғирлиги $\gamma = 1600 \text{ кг/м}^3$ асосида сувалади. Бино деворлари, шифти оҳакли қоришма асосида 3 марта рангланган.

Ташқи пардоз- бинонинг ташқи томонлари цемент қум қоришмаси ҳажмий оғирлиги $\gamma = 1800 \text{ кг/м}^3$ асосида $\delta = 15 \text{ мм}$ ли қалинликда сувалади. Сувоқланган сирт маълум муддатдан кейин оҳакли қоришма асосида уч марта рангланган

1.4.Бинонинг техник ҳолатининг тадқиқоти.

Бино техник ҳолатини кўз билан чамалаб ва асбоб ускуналар ёрдамида ўрганиш кўзда тутиган. Бинонинг техник ҳолатини таҳлил қилишда махсус тайёргарликка, яъни юқори малакаларга эга бўлган муҳандис техник ходимлар, замонавий ўлчов асбоб ва ускуналар ёрдамида ўрганадилар.

Бу таҳлил ва ўрганишга олий институт талабалари, лойиҳа канструкторлик бюрolari, илмий тадқиқот бўлинмалари, лойиҳа ва илмий тадқиқот институтлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Натижалар олиш икки босқичда амалга оширилиб борилган:

- олинган ёки умумий ҳолат таҳлили;
- қисмларга ажратиб ўрганиш.

Олдинги ёки умумий ҳолат таҳлили бинони кўз билан ёки асбоблар ёрдамида бино ва унинг конструкцияларини, техник ҳужжатларни ва бошқа техник ҳолатини яқиндан ўрганиш имкониятини берувчи материаллар билан танишдим.

Бу босқичда бузилган қисмлар, бинони бузилишга олиб келувчи айрим конструкциялар ўрганилди.

Лойиҳа техник ҳужжатларини ўрганиш эса қурилиш бошланиши ва давомлилиги, капитал таъмирлаш, лойиҳаларда ўзгаришлар, технологик жараёнлар борасида батафсил маълумотларга эга бўлдим.

Асосий лойиҳа техник ҳужжатлар билан бир қаторда қурилиш ишларида қатнашган ишчилар, муҳандис техник ходимлар билан суҳбат қилиш

натижасида бинога тегишли қўшимча маълумотларга эга бўлиш ҳам мумкин. Бино 1980 йилда қурилган.

Бино техник ҳолатини қисмларга ажратиб ўрганиб, таҳлил қилганда максимал аниқ маълумот ва хулосаларга келиш, техник ҳолатини баҳолаш ва конструктив ечимга келиш ва таъмирлашга хулоса бериш имкониятларини аниқ белгилаб бериш имкониятини кенг ёритувчи босқичдир.

Таъмирланаётган бинони ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларини келтириб ўтаман:

Асос ва пойдевор. Пойдеворлар атрофлари қазиб кўрилди. Натижада пойдевор яхлит моналит бетондан қилинганлиги аниқланган.

Кўз билан чамалаб ва асбоб ускуналар билан ўрганилганда қуйидагилар аниқланди:

- Пойдевор тасмасимон яхлит бетондан қилинган;
- Пойдеворнуқсон ва бузилишлари ўрганилганда унинг ён томонлари битумли гидроизоляциялари бузилган ва улар тўла Пойдевордан ажралган. Пойдевортехник ҳолати ўрганилганда физик емирилишлар борлиги аниқланди. У 3%-6%гача миқдорни ташкил қилади.

Ора ва том ёпма. Ора ва том ёпма сифатида кўп ғовакли плиталар серияси 1.141.1-31св1 қўлланилган. Плиталар деворга киритилган қисми 120 мм бўлиб, ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”, Тошкент, 1996 талабларига жавоб беради.

Ора ва том ёпмаларда нуқсон ва камчиликлар уларнинг узоқ муддатли эксплуатация қилинганлиги туфайли, айниқса намдан тўсинда салқилик вужудга келган бўлсада у рухсат этилган (1/200) миқдордан ошмайди. Плиталар физик емирилиши 5% атрофида ҚМҚ талабларига жавоб беради.

Том. Азбиста семент шифердан қилинган бўлиб унинг емирилиши 30% ни ташкил этади.

Пардадеворлар. Пардадеворлар пишган ғиштдан 120 ва 250 мм қилиб бажарилган. Ғишт пардадеворларда бузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. Ёриқдар 15 мм гача 1,8 м баландликгача ҳолатларда 35 йил давомида ғишт

пардадеворларни эксплуатация қилинганлиги туфайли физик емирилишлар 20%ни ташкил қилади ва ҚМҚ талаблари бўйича бузилиш кичик ҳисобланади.

Зинапоялар.-Зинапоялар темирбетондан йиғма қилиб бажарилган. Унинг ҳолати яхши. Физик емирилиш даражаси 6%дан ошмайди. ҚМҚ талаблари бўйича мос келади ва бузилиш кичик деб ҳисобланади.

Икки дераза оралиқлари.-Дераза оралиқлари (простека) кенг бўлганлиги туфайли унда ҚМҚ талаби 0,9м дан юқори ҚМҚ талабига жавоб беради.Дераза ўринлари ҳам ҚМҚ талаблари даражасида.

1.5.Бино техник ҳолатининг ШНҚ ва ҚМҚ талабларига мослиги.

Бино техник ҳолатини кўз билан чамалаб ва асбоб ускуналар билан ўрганилиб чиқилиб, бино техник ҳолатини амалдаги Ўзбекистон ҳудуди учун яратилган ШНҚ ва ҚМҚ талабларига мос келиши ёки унинг талабларига риоя қилиш қилмаслиги таққослаб чиқилади. Бу борада бино асосий конструкциялари пойдевор, том ёпма тўсинлари, девор ва шу каби темир бетондан қилинган элементлар ҳолатлари таққосланади. Натижада ўрганилган асосий конструктив элементлар ШНҚ ва ҚМҚ талабларига жавоб берадими ёки йўқми деган саволлар қўйилади ва бу саволларга аниқ жавоблар олинади. Темирбетон конструкциялари мустаҳкамликларини аниқлаш эталон учун қабул қилинган “Кашкаров” болғаси ёрдамида “Пластик деформациялар услуги” ёрдамида конструкцияни бузмай ўрганилади.

“Кашкаров” болғаси шарикчаларни бетон юзасига чўктиришда шарикчаларни чўктириш орасидаги масофа 30 мм дан кам бўлмаслиги таъминланади. Ҳар бир қисм участкада камида 10 маротаба зарба йўлланилади. Натижада белгилашда ҳар бир серия чўктиришда шарнинг ботик қисми диаметрининг эталон стержендаги қисми ботиклигига нисбат белгиланади. О'з DSt 872 руҳсати тарировка эгри чизиғи бўйича бетон мустаҳкамлиги белгилаб олинади.

Олинган натижалар бўйича маълумотлар қуйида белгилаб берилган:
Пойдеворларнинг техник ҳолати қониқарли. Аммо гидроизоляция қатлами йўқ бўлганлиги туфайли уни ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” Тошкент 1996 йил 3.1.9 банди талабларига мос ҳолда тикланиши

таъминланиши лозим. Яъни гидроизоляция қатлами сиртида қалинлиги 30 мм дан кам бўлмаган цемент қоришмаси ишлатилиши лозим.

Дераза ва эшиклар усти туташтиргич перемечкалари деворга киритилиш қисми ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” Тошкент, 1996 йил 3.5.15 банди талаби яъни сарбаста деворга киритилиш қисми 250÷350 мм дан кам эмас.

ГОСТ 5802 бўйича ғишт теришда қўлланилган горизонтал чоклардан олинган пластинка шаклидаги қоришма намуналаридан гипс билан ёпиштириб ўлчамлари 40×40×40 мм куб ясаиб, улар синаб кўрилади. Кублар мустаҳкамликлари синаб кўрилади ва 0,8 коэффициентга кўпайтирилиб мустаҳкамликлари аниқланади. Олинган натижаларга биноан қоришма мустаҳкамлиги 5.2 МПа демак ишлатилган қоришма маркаси М50. Ғишт ва қоришма адгезия кучи ГОСТ 24992 ёрдамида аниқлаб олинади. Бино девори ғишт ва қоришма адгезия кучи

$R_{сц} = 0,13 \div 0,19$ МПа ни ташкил қилади. ҚМҚ 2.01.03.96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”, Тошкент, 1996 йил бўйича II тоифали қўл терими типига хос.

Ёғоч блок ва деразалар замонавий “АКФА” ромлари билан алмаштирилади.

Том теекис бирлаштирилган, рубероиддан бажарилган. Том қопламаларида кўчишлар ва эскиришлар кузатилди. Уларни нуқсонлари бартараф қилинади.

ХУЛОСА

Бино узунлиги буйича деворлар деформация чоки билан икки блокга ажратилмаган. Бу эса зил-зилавий ҳудудларда қурилиш ҚМҚ2.01.03-96 талабига жавоб бермайди. Буйлама ЎҚ буйича деворларни ташки сиртини сувоқ кисми ташқи таъсирлар натижасида емирилган.

Баъзи перемичкалар бино деворидан қилинган ёки арматура стерженлар билан қилинган. Шу сабабли перемичкалар, ҚМҚ талабларига жавоб беради.

Бу ҳолни инобатга олиб биз бинони кучайтириш мақсадида рамалар барпо этамиз ҳамда ушбу рамаларни 4-ўқ билан белгилаймиз. Бу тадбирлар натижасида биномизни зил-зилабардошлиги, умрбоқийлиги, мустаҳкамлиги бир неча бор ошади. Деворларда ғишт терими маркаси 75 дан кам бўлмаган пишиқ ғишtdан терилган. Деворлар сейсмик кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилиятига қараб тоифаларга бўлинади. Реконструкция натижасида бино хоналари шакли ўзгартирилмайди.

Бинонинг техник ҳолатидан келиб чиққан мулоҳаза ва ҳулосалар қуйидагича:

- ✓ Бино бўйича унинг техник ҳолати Ўзбекистонда чиқарилган меъёрий ҳужжатлар, амалда ҳаракати тўхтатилмаган ҚМҚ ва ШНҚ, О'з DSt қоида ва меъёрлари билан тўла ўрганилди.
- ✓ Шифохонабиноси техник ҳолати ва унинг зилзила жиҳатдан турғунлиги бино айрим қисмлари учун етарли эмаслиги инобатга олиниб қуйидаги камчилик ва нуқсонлар тўлалигича бартараф этилиши тавсия қилинди:
 - А) Зилзилавий ҳудуд талабларига бино узунлиги 30 мдан ошган ҳолда зилзила чоки билан ажратилади. Бино 40.48 метр булганлиги учун икки қисмга ажратилади. 4 - ўқ билан белгиланади.
 - Б) Томнинг нуқсон ва камчиликлари бартараф қилинади.
 - В) Дераза ва эшиклар АКФА ромлар билан алмаштирилади.

Г) Бино ички ва ташқи пардозлари амалга оширилади.

Д) Бино атрофи ободонлаштирилиб кўкаламзорлар ташкил қилинади.

Таъмирланаётган бинонинг умумий кўриниши 1 ва 7- ўққлардаги

Бинонинг ва ослардаги кўриниши деворларнинг бўйоқ ва шувоқ қатламлари жисмоний емирилган, емирилиш (15%ни ташкил этади.)



Том қоплама қисмидаги нуқсонлар уларнинг физик емирилиши 30%ни ташкил қилади.



Бино девор канструкциясидаги нуқсонлар ёриқлар кенглиги(0.5-0.7мм)ташқил қилади.



Бинонинг том қисмидаги нуқсонлар



Фото 15.
Шурф для
определения
глубина
заложения



Фото 16.
Дефекты в
конструкции



Фото 17.
Дефекты в
конструкци

Бино девор канструкциясидаги нуқсонлар

Фото 18.
Дефекты в
конструкц






Рис. 5. План обследуемого блока №4 на отм. ±0.00.



Фото 19.
Дефекты в
конструкции

4.6. Выводы и рекомендации

Бино девор канструкциясидаги нуқсонлар

Технология
соҳасивамехн
ат
муҳофазаси

I I.БОБ. ТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИ ВА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ

2.1.кучайтриш таъмирлаш ишларининг бажарилиш технологияси

Ишлар ва иш ҳаққи ва меҳнат муҳофазаси

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги, қуриши чекланган болалар ихтисослаштирилган мактаб интернатининг ётоқхона” биносининг узунлиги ҚМҚ зил зилавий ҳудудларда қурилиш талабларига жавоб бермайди шунинг учун бинони ичигарама урнатамиз ва бу рама бино сейсмик жихатдан кучсизланган бўйлама девор деворларга вертикал ўлчами 0.4x0.2x6.0м ора ва том ёпма плитасига ва пойдевор остигача рама устунни тушурилади ва улар ўзаро боғловчи гаризантал ораёпма сатҳида ўлчамлари 0.4x0.2x0.3 м ва 0.4x0.2x0.3м дан 2та рама ригели каркаснинг ишчи арматурасига 4та 16мм ва боғловчи арматура 8мм бўлган темир бетон яхлит рама ҳосил қилинади.

1.Темир бетон яхлит рамани барпо қилиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади.

- ❖ Махсус рухсатномага эга мутахасислар визуал ва инструментал тэкширилгандан сўнг лойиха ишлари ақиқланади.
 - ❖ Таёргарлик ишлари олиб борилади (ора ва том ёпмалар)
 - ❖ Бинонинг қаватдаги полсатҳини 1м² қилиб очилади.
 - ❖ Рама пойдевори учун 1м x1м энликда ва 1.5м чуқурликда чуқур қозилади ва тупрокни 1.5 м чуқурдан узоқа ташланади. Бу ишларни 2та ер қазувчи бажаради.
 - ❖ Ғишт деворнишувоқ қатлами туширилади ва ғишт девор юзаси тозаланади.
- Бу ишларни 1та 2-разрядли шувоқчи бажаради.
- ❖ Ғишт деворни пэрфаратор билан тешилади.Диаметри 16лик узунлиги 380 мм тешик ҳосил қилинади.

- ❖ Арматура каркасини қозикларга пайвандланади ва каркасни ўрнатилади. Каркасни ўрнатишда 1- разрядли арматурачи 2 киши ва 3- разрядли арматурачи 1 киши шулар ишни бажарадилар .
- ❖ Перфаратор билан тешилган деворнинг тешигига анкер болтларни киритиб карказга пайвандлаймиз бу жараёнда пайвандловчи 5 разряд 1 киши ва 2 разрядли ёрдамчи иштрок этади.
- ❖ Асосга ва девор бўйлаб маҳкамланган каркасга опалубка ўрнатиш ишларини олиб борамиз бу жараёнда 4-разрядли дурадгор 1 киши 3 разрядли дурадгор 1 киши 2 разрядли ёрдамчи опалубкаларни ўрнатадилар ва бетон қуйишга тайёрлайдилар.
- ❖ Опалубкаларга бетон қуйиш ишлар бошланади .Бетон қуйиш аста секинлик билан амалга оширилади, маълум миқдордан кейин бетонни зичлайдилар бу жараён бир неча марта давом этади.
- ❖ Ора ва том ёпма плиталарини олдиндан қовурғаларини очилган жойига олдин таёрланган каркасни қўйиб устидан бетон қўйилади. Бу жараёнда 4-разрядли бетоншик 2 киши ва 2-разрядли бетоншик 2 киши иштрок этадилар.
- ❖ Бетон ишлари бажарилаётган вақтда турли хил камуникатсиялар аниқланса соҳа мутахасислари чақирилиб муамони бартараф қилиш керак..
- ❖ Рама пойдеворга қуйилган бетон маълум даражада қотгандан кейин опалубка тахталари олинади.
- ❖ Бино қавати рама устунни ва том ёма сатхидаги ригелни қуриш ишларини бошланади.
- ❖ бинодаги қават полини 1м енликда хона бўйи баробар очилади. Бу ишларни 3 разрядли ишчи бажаради.
- ❖ Том ёпма сатхидан туриб перфаратор билан 0.4x0.3м ўлчамда рама учун плитада туйник очилади.
- ❖ Том ёпма сатхидан ригэл учун 0.4м энликда хона бўйи баробарида 0.16 м перфаратор билан жой очилади.
- ❖ Рама каркасни олдиндан тешилган оралиғи 50 см бўлган тешикларга киритилган анкерларга пайвандланади.

- ❖ 3.3м сатхдаги ригэл каркасини олдиндан очилган жойга ўрнатиб, уни рама устунига пайвандлайди. Сўнгра дурадгорлар опалубкни ўрнатадилар.
- ❖ Рама устунига опалубкаларни яхшилаб қимирламайдиган қилиб ўрнатилгандан кейин эса унга аста секинлик билан бетон қуйилади. Бетон маълум бир қалинликда қуйилгандан кейин зичлайдилар. Бетон лойихавий мустахкамлика эришилса опалубкалар ечиб олинади.
- ❖ Бинони рама устуни ва том ёпма сатхдаги ригэл ёнидан бинони 2га бўлиш ишлари қуйидагича амалга оширилади.
- ❖ 4-5-ўқлардаги деворларни бўлиш ишларини бошлашдан авал меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш шарт. Ишни томни демонтажидан бошланади ва яхлит рама тушадиган жойни 3м энликда очилади. Том ёпма исиклик қатламини олинади, рубэроид қатлами ҳам олинади.
- ❖ Томни қисми демонтажи тугагач 4-5 ўқлар оралиғидан тушадиган қисмини бино парапэдидан то пойдеворигача махсус гишт тош кесувчи арра билан бино 2қисмга ажратилади. Бу ишларни бажариш пайти ўта эҳтиёткорлик билан меҳнат муҳофазасига риоя этган ҳолда махсус кийим бош билан ишлаш керак.
- ❖ Барча бетон ва деворни кесиш ишлари бўлгач бетон ўзининг максимал даражада қургандан кейин шувоқ ишларини бажарилади. Шувоқ ишлари ташқи ва ичи томонлардан амалга оширилади. Шувоқ ишларини бажаришда 4 разрядли шувоқчи 2 киши 3 разрядли шувоқчи 2 киши ва 2-разрядли шувоқчи иштрок этадилар.
- ❖ Шувоқ ишлари тугагач бўёқ ишлари амалга оширилади бўёқ ишларида 2-разрядли маляр ишни амалга оширади.

2.2. Ишчиларнинг ишини шаклантриш

Бинони тамирлаш пайтида турли хил касбларга таълуқли касб эгалари ишлайдилар ва улар қуйидагилар.

1. Ер қазувчи 2 раз.-1 киши.
2. Сувоқчи 4 раз.-2 киши, 3 раз.-2 киши, 2 раз.-1 киши.
3. Пайвандчилар 5 раз.-1 киши,
4. Арматуршик 3 раз.-1 киши, 1 раз.-2 киши

5.Дурадгорлар 4 раз.-1киши, 3 раз.-1киши, 2 раз.-1киши

6.Бетончилар 4 раз.-1киши, 3 раз.-2киши, 2 раз.-1киши.

7.Том ёпувчи 3-4 раз.-2киши

Умумий ишчилар сони 19 кишини ташкил этади.

- ❖ Ёр қазувчи-пойдеворнинг чуқурини қазийди.
- ❖ Сувоқчи-ғишт деворнинг шувоғини туширади,ишлар битса деворни сувоқ қилади.
- ❖ Пайвандчи каркасни ясайди ва каркасни девор ва пойдеворга пайвандлайди.
- ❖ Арматурачилар каркасни ўрнатишади.
- ❖ Дурадгор 1-2 қават полларини очишда ва қайта ёпишади.Опалубкани ўрнатади ва ечишади.
- ❖ Бетончилар- Опалубкаларга бетон қуйишади ва бетонни парвариш қилишади.
- ❖ Том ёпувчилар – Томни очишда ва қайта тамирлашда иштрок этишади.

2.3.Бажарилган ишларнингҳажмининианиқлаш.

1.Проем ва ригел очиш учун том ёпма сатхидан хоналардан ригел тушадиган жойдан ўлчами эни 1м ва узунлиги 12 м том ёпма қисми очилади.

2.Томнинг очилган қисмидан рама каркасини деворга вертикал ўрнатиш учун 1- қават рамасиниғ яхлитлигини тامينлаш учун ора ва том ёпмадан ўлчами 0.4x0.3 2та ва 0.4ва0.2 2та праём очилади.Жами 4 та праём очилади.

$$1)2 \times (0.4 \times 0.3) = 3.2 \text{ м}^2 \quad 2 \times (0.4 \times 0.2) = 1.6 \text{ м}^2$$

$$2)1.6 + 3.2 = 4.8 \text{ м}^2$$

3.Ғишт деворни сувоқ қатламини тушириш учун баланликлари 3+3+3+3+3+3+3+3 ва 0.4м энликда шувоқ қатлами туширилади.

$$1)3 \times 8 \times 0.4 = 9.6 \text{ м}^2$$

4.Том ёпма сатхидан рама ригэли учун 2 та хонадан ва йўлакдан ўлчами 1.2ва 0.4 м енликда жой очиш .

$$1) 6 \times 6 \times 2 \times 1.2 = 28.8 \text{ м}^2 \quad 2)28.8 \times 0.4 = 11.52 \text{ м}^2$$

5.Рама пойдеворини ва ора ёпмага рама барпо этиш учун ўлчамлари 6+6+6+6 м ва 1 м энликда пол сатхини очиш

$$1) 6 \times 4 = 24 \text{ м}^2$$

6. 1-қаватда полнинг очилган жойидан 1х1м ва чуқурлиги 1.2м бўлган чуқур қазиш. Жами 4та устун учун чуқур қазиш .1) $1 \times 1 \times 1.2 = 1.2 \text{ м}^3$ 2) $1.2 \times 4 = 4.8 \text{ м}^3$

7.Пойдеворга рама каркасини маҳкамлаш учун мавжуд пойдеворга рама пойдевори тушадиган жойга 1та пойдевор ён қисмидан 4 та тешик очилади. Жами 4та пойдеворни тешиш учун $4 \times 4 = 16$ та тешик очилади.

8. Пойдевордаг Очилган тешикларга анкерларни ўрнатиш учун 0.5 кг бўлган анкерлардан

16 тасини жойлаштрилади. Жами $0.5 \times 16 = 8 \text{ кг}$ анкер талаб қилинади.

9.Пойдеворга ўрнатилган анкерларга рама карказини пайвандланади.Пайвандлаш 1та анкерга 0.13м чок пайвандланади 1та пойдеворга $0.13 \times 4 = 0.52 \text{ м}$ чок Жами 2.08м чок пайвандланади.

10.Пойдевор каркаси маҳкамлангач, пойдеворга ўлчами 0.5х1.2м бўлган 3та қолип ўрнатилади.Бетон қуйиш учун 4 та пойдеворга жами $1.2 \times 0.5 = 0.6 \text{ м}^2$ 3та $= 1.8 \text{ м}^2$; $1.8 \times 4 = 7.2 \text{ м}^2$ қолип керак бўлади.

11.Қолипларни ўрнатилгач 1та пойдеворга хажми $V = 1.2 \times 0.5 \times 0.5 = 0.3 \text{ м}^3$ бетон оришмаси керак.4тапойдеворга $V = 0.3 \times 4 = 1.2 \text{ м}^3$ бетон оришмаси керак.

12.Бинонинг деворларига каркасни вертикал маҳкамлаш учун оралиғи ҳар 50 см дан масофа қўйиб деворни 38 см гача тешилади .1-қават деворларида 18та тешик очилади жами 36 та тешик очилади.

13.Деворнинг тешикларига анкерларни жойлаб чиқилади 1та анкернинг оғирлиги 0.4кг . $36 \times 0.5 \text{ кг} = 18 \text{ кг}$

14.Бинонинг деворларига ўрнатилган анкерларга вертикал каркасни пайвандлаймиз 1та анкерга 0.13м чок пайванланади 36 та анкерга эса қуйидагича

$$36 \times 0.13 = 4.68 \text{ м чок пайвандланади.}$$

15.Деворларга опалубка ўрнатиш ишлари 1та деворга ўлчами $6 \times 0.4 \text{ м}$ 4та ва 6×0.3 ; 2та бўлган ва $6 \times 0.2 \text{ м}$; 2та опалубка керак. Жами

$$1) 6 \times 0.4 = 2.4 \times 4 = 9.6 \text{ м}^2 \quad 2) 6 \times 0.3 = 1.8 \times 2 = 3.6 \text{ м}^2 \quad 3) 6 \times 0.2 = 1.2 \times 2 = 2.4 \text{ м}^2$$

$$4) 9.6+3.6+2.4=15.6\text{M}^2\text{опалубка керак.}$$

16.Деворларга қолипларни ўрнатилгач хажми $V=6\times0.4\times0.3=0,72\text{M}^3$ 2 та девор
 $0,72\times2=1,44\text{M}^3$ ва $V=6\times0.4\times0.2=0,48\text{M}^3$ 2 та девор $0,48\times2=0,96\text{M}^3$
 $0,96+1,44=1,92 \text{ M}^3$

17.Ора ва томёпма плиталарини қовурғаларидаги праёмларга бетон қуямиз. Ўлчами узунлиги 6м ваэни 0.4м 4та оралиқа қуямиз
 $6\times0.4=2.4\text{M}^2$ $2.4\times4=9,6\times0.3=2,88\text{M}^3$ бетон сарфланар экан.

Бинода тамирлаш ишларини олиб бориш учун ишлар хажми унчалик кўп бўлмагани учун бинода техникани ишлатиш қийинлиги учун асосий иш бетон қуйиш ишларини қўл меҳнати билан бажарилади.

Темир бетон яхлит рама.

Рама темирбетондан яхлит тикланади унда материаллар сарфини кўриб чиқиш зарур.

Кучайтрилган бино рамасини яшаш учун керакли арматура материаллар сарфи.

Кўрини- Ши		Белгиланиши	Номланиши	Сони	Изоҳ
К1	1	ГОСТ 5781-82	Ø16 А III L=3000	8	37,92 кг
	2	ГОСТ 5781-82	Ø6 А I L=360	90	7,2 кг
ОС-1		ГОСТ 5781-82	Ø6 А I L=360	90	7,2 кг
К2	1	ГОСТ 5781-82	Ø16 А III L=5600	8	70,78 кг
	2	ГОСТ 5781-82	Ø6 А I L=360	224	17,9 кг
Анкер		ГОСТ 5781-82	Ø10 А I L=740	34	15,53 кг

Арматуралар учун девор ва пойдеворда Ø20 мм тешиқчалар пармаланади. Узунлиги L=660 мм бўлган арматура қозиқчалар устун каркасидаги арматуралар билан туташтирилади. Бу девор ва раманинг ҳамжихатлакда ишлашини амалга оширади.

Рама устуни ва регили маркаси В-15 бетон билан бажарилади.

Тамир жараёнида темирбетон рамани киритиш технологик кетма кетлиги меҳнат сарфи калкуляциясида ва ишни амалга ошириш графигида келтирилган.

Арматура каркасини ўрнатиш ва пайвандлаш.

Арматура каркаси А-III ва А-I синфли арматура ва симлардан тайёрланади. Каркас жойида тайёрланади. Арматуралар тоза ва зангламаган бўлишлари зарур Ø16 ва Ø6 мм бўлган арматура ва симлар қўлланилади. Арматуралар жойига ўрнатилиб, девордаги ўрнатилган арматура қозиқларига ҳам пайвандлаб қўйилади.

Арматураларни пайвандлаш метални иқтисод қилади, арматура каркаси сифатини яхшилайдди.

Шу билан меҳнат сарфи ва тан нархини арзонлаштиради. Пайвандланган арматура каркаси ва тўрлар бойланган арматураларга қараганда бикр ва мустаҳкамдир.

Пайвандлаш ишларида электродлар ишлатилади. Пойдевор, устун ва регил арматуралари қолип ўрнатилгунча амалга оширилади, уҳолда арматурани ўрнаш асосини лойиҳага мослигига аҳамият берилади.

Бетон қуйиш ва зичлаш.

Бетон қуйиш ишларини бажаришдан олдин қолип лойиҳага мослиги, ўлчамлари ва мустаҳкамлиги, ўрнатилган арматура каркаси мослиги текшириб кўрилади. Бетон бир вақтда тайёрланади. Текисланади ва тебратор ёрдамида зичлаб борилади. Бетоннинг муддати ва сифатли қотиши учун бетонга қаров ишлари олиб борилади.

2.4 Мехнат муҳофазаси

Хавфсизлик техникаси.

Бетон ва темир-бетон ишларини бажариш вақтида амал қилинадиган хавфсизлик қоидаларига асосан кўтариб турувчи хавоза ва қолипларни пухта қилиб қуриш. Кран хўжалиги, илмоқлар, бадьялар ва бетон бункерларнинг бекаму кўст бўлиши, бетон узатиш эскадаларининг баландлиги 1м ли панжара билан тўсилган эни 1.2м ли яхлит тўшамалар ўрнатиш, арматура тайёрлаш ва таранглаш станокларининг бекаму кўст бўлиши ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларининг тўсиб қўйилиши ҳамда қишда бетоннинг электр токи билан иситиш учун ишлатиладиган электр қурилмасининг ерга улаб қўйилиши кўзда тутилади.

Шунингдек, вибраторлар билан хавф-хатарсиз ишлаш қойидаларига риоя қилиш керак. Йиғма конструкцияларни монтаж қилишда, илмоқлар, тирқичлар, конструкцияларни вақтинча маҳкамлаш учун ишлатиладиган мосламалар ва монтаж қилинаётган вақтда фойдаланиладиган қуйма халқаларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак, булар маълум мустаҳкамлик запасига эга бўлиши ва вақти-қақти билан нагрузка остида синаб турилиши керак.

Ўрнатилган темир бетон конструкция узелларини пайвандлаш ва яхлитлаштириш ишлари олди тўсилган ёпмаларда, майдончаси тўсилган кўчма сиртлар ёки осма кажаваларда туриб бажарилиши керак. Бир қатор ҳолларда ишчиларнинг уларни тўсатдан йиқилишидан сақловчи камарлар ишлатиш керак.

Биноларни эксплуатация қилиш соҳаси

III. БОБ Биноларни эксплуатация қилиш соҳаси

Биноларни эксплуатация қилиш соҳаси

Ҳозирги вақтда аҳолини иссиқлик, газ ва сув билан узлуксиз равишда сифатли таъминлашга республикамизда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мазкур соҳа еттинчи асосий устувор йўналиши деб белгиланган.

Маълумки, барчамизга муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада йиллар давомида жиддий муаммолар тўпланиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда. Улар орасида иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш, муқобил (альтернатив) ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, бино ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, ҳавосини кондициялаш тизимларида замонавий энергия сарфланиши жиҳатдан тежамкор жиҳозлар, ростлаш асбоб-ускуналари, шунингдек, янги технологиялардан республика шароитида унумли ва кенг фойдаланиш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ушбу соҳага замонавий иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимларининг тузилиши, ишлаш принциплари, асосий жиҳозлари, ҳисоблаш ва лойиҳалаш асослари, ишга тушириш, созлаш, синаш ва фойдаланиш қоидалари тўғрисида чуқур билимга, малака ва кўникмага эга бўлган бакалавр мутахассисларни тайёрлаш даркор.

Иссиқлик таъминоти халқ хўжалигининг йирик тармоғидир. Унинг эҳтиёжига ҳар йили республикамизда қазиб олинадиган ва ишлаб чиқариладиган ёқилғининг тахминан 20% сарфланади. Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти, одатда, йирик туман қозонхоналаридан фойдаланишга асосланган бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ўзининг ривожланишида янги босқични бошидан кечирмоқда. Чунки ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги ғояларига асосланган

марказлаштирилган иссиқлик таъминотининг истиқбол ривожланиши асосан иссиқлик манбаларининг донабай қувватини ошириш (иссиқлик узатилишининг радиусини кўпайтириш мақсадида) ва тармоқлардаги иссиқ сув параметрларини юқори даражага кўтариш (150°C ўрнига $200\text{--}225^{\circ}\text{C}$ ва ҳаттоки 250°C гача) ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Бундай марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимларнинг ишончлилигини ошириш ва уларни бошқариш, одатда жиддий муаммолар билан боғлиқдир.

Замонавий тасаввурларга кўра, иссиқлик таъминоти келажакда муқобил ёқилғи ва энергия манбаларидан, хусусан қуёш энергиясидан фойдаланиш, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтиш, эскирган, ёқилғини кўп сарфлайдиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, иссиқлик тармоқларида иссиқликни бефойда йўқолишини камайтириш, истеъмолчиларда иссиқлик ўлчагичларни ўрнатиш каби йўналишлар бўйича ривожланади.

3.1. Иситиш системасини ҳисоби ва лойиха учун асосий маълумотлар

I. тамирланаётган климатологик макон – **Навоий шаҳри Навоий тумани**

1) Ташки ҳавонинг ҳисоблаш учун параметрлари:

$$t_n = t_n^5 - 16^{\circ}\text{C} - 0,92 \text{ таъминланишида}$$

$t_n[16]$ ни 4-жадваллини 10-устундан олинади

Энг совук кун		Энг совук беш кунлик	Энг совук уч кун
0,98	0,92	0,92	$t_H^3 = \frac{(t_H^1)^{0,92} + (t_H^5)^{0,92}}{2} =$
- 18 °C	- 16 °C	- 16 °C	$= \frac{(-16) + (-16)}{2} = -16^{\circ}\text{C}$

2) Шамолнинг тезлиги $v_B = 3,1 \text{ м/с}$

II. Намлик минтақаси 3-курук

III. Девор қурилмаларининг ишлатиш параметрлари

«А» - курук минтақа учун ≡

IV. Иссиклик билан таъминланишнинг параметрлари:

1. Иссиклик ташувчи муҳит – сув

2) $T_1=130\text{ }^{\circ}\text{C}$; $T_0=70\text{ }^{\circ}\text{C}$

3) $t_1 = 95$; $t_0 = 70\text{ }^{\circ}\text{C}$

V. Иссиклик манбаи – шаҳар иссиқлик тармоғи.

3.2.Ташқи деворнинг техникавий иссиқлик ҳисоби

Бир қаватли ёки куп қаватли девор қурилмалари иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини қуйидаги формула билан аниқланади.

$$R_0 = \frac{1}{\alpha_b} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n} + \frac{1}{\alpha_n}$$

Бу ерда: α_b - девор қурилмаси ички юзасининг иссиқлик ўзатиш

$\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_n$ - куп қаватли деворлар қалинлиги, м

$\alpha_1, \alpha_2, \alpha_n$ - куп қаватли деворлар материалларининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти КМК 2.01.04. -97 дан олинади.

α_n - девор қурилмаси ташқи юзасининг иссиқлик ўзатиш коэффициенти.

Девор қурилмаларининг талаб этилган иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади.

$$R_0^{\text{мп}} = \frac{(t_b - t_n)}{\Delta t^n \cdot \alpha_b} \cdot n, \text{ м}^2 \cdot \text{с/Вт}$$

Бу ерда:

t_b - ички хона ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$

t_n - иссиқлик инерцияси даражасини ҳисобга олиб қилинувчи

ташқи ҳаво ҳарорати. Олдинига $t_n = \frac{t_1 + t_5}{2}$ деб қабул қиламиз.

t_1 - энг совуқ кунлик ҳарорати

t_5 - энг совуқ беш кунлик ҳарорати

$t_1 = -[12]$ 4-жадвалини 17-устундан олинади.

$t_5 = t_n - [12]$ 4-жадвалини 10-устундан олинади.

Иссиқлик инерцияси D .

А) $D < 1,5$ бўлса - қиймати учун энг совуқ кунликнинг ўртача ҳарорати 0,98 таъминланиши бўйича олинади, t_n^1

Б) $1,5 < D < 4$ - бу ерда ҳам, энг совук кунликнинг уртача харорати $0,92$ таъминланиши буйича олинади, t_n^1

В) $4 < D < 7$ - бу ерда ҳам, энг совук уч кунликнинг уртача харорати, $t_n^3 - 0,92$ таъминланиши буйича олинади.

Г) $7 > D$ - бу ерда ҳам, энг совук беш кунлик харорати $t_n^5 - 0,92$ таъминланиши буйича олинади,

$$\text{яъни } t_n = t_n^5$$

$\Delta t''$ - деворнинг ички юзаси харорати билан, хонанинг ички хаво хароратлари фаркининг нормаси КМК 2.01.04 - 97 дан олинади.

Девор курилмаларининг иссиқлик инерцияси қуйидагича ҳисобланади.

$$R = R_1 \cdot S_1 + R_2 \cdot S_2 + \dots + R_n \cdot S_n$$

Бу ер да: R_1, R_2, R_n - девор курилмалари алоҳида қаватларининг иссиқлик қаршилиғи, м.с./ Вт.

Бу қийматларни қуйидагича формула билан аниқланади.

$$R = \frac{\delta}{\lambda}$$

Бу ерда δ - бир хил жинсли девор курилмаларининг ёки қуп қаватли деворнинг алоҳида деворларининг қалинлиғи, м да,

α - девор материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти.

$S_1 S_2 \dots S_n$ - девор курилмалари алоҳида қаватлари материалларининг иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти КМК 2.01.04 -97 дан олинади

n - ташқи хавога етмайдиган курилмалар учун ҳисобий харорат фарқини қамайтирувчи коэффициент.

$$R_0^{mp} \leq R_0$$

Бажарилган иссиқлик техникаси ҳисоб китобларида қуйидаги бажарилиши шарт.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$K = \frac{1}{R_0} \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

Юқоридаги коэф.ни ташки девор, том ёпмаси, ташки дераза ва дарвоза (эшик) лар, ҳамда пол учун аниклаймиз.

3.3.Ташқи девор қалинлигини аниқлаш

Хисоблаш учун берилган кийматлар

- энг совук кунликнинг

$t_n = - 18^{\circ}\text{C} \rightarrow - 0,98$ таъминланишида

$t_n = - 16^{\circ}\text{C} \rightarrow - 0,92$ таъминланишида

- энг совук беш кунликнинг

$t_n = - 16^{\circ}\text{C} \rightarrow - 0,92$ таъминланишида

- энг совук уч кунликнинг уртача харорати

$$t_H^3 = \frac{(t_H^1)^{0,92} + (t_H^5)^{0,92}}{2} = \frac{(-16) + (-16)}{2} = -16^{\circ}\text{C}$$

- Курилиш маконининг намлик минтакаси – «курук» (КМК 2.01.04.-97)

- хонанинг намлик тарзи


- «нормал» (КМК 2.01.04-97 буйича)

- Девор курилмаларини курилиш ашёларининг физикавий иссиқлик

таъриф – таснифи «А» параметрли иситиш шароитини қабул қиламиз. (КМК 2.01.04.-97)

Ташқи девор қалинлигини аниқлаш хисоблари

Топпирик буйича берилган гиштли ташқи девор қалинлигини аниқлаймиз.



Гиштли ташқи деворнинг схемаси

1 - цемент кум аралашмалли ташқи сувок $\gamma_1=1800$
кг/м³

2 - асосий катлам гиштдан терилган $\gamma_2= 1800$ кг/м³

1. Катлам – ташқи сувок, катлам қалинлиги $\delta_1=0,03$ м;

Ашёнинг хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффиценти

$$\gamma_1=0,76 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

Ашёнинг хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_1=9,6 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

2- катлам - асосий катлам калинлиги номаълум хисобий йул билан хисоблаш талаб этилади.

Гиштни хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффициенти

$$\lambda_2= 0,76 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

Гиштни хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_2= 9,73 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

3- катлам — ички сувок катлам калинлиги $\delta_3, = 0,02\text{м}$;

Цементли кум коришмасини хисобий иссиқлик утказувчанлик коэффициенти

$$\lambda_3=0,70 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

Ашёнинг хисобий иссиқлик узлаштириш коэффициенти

$$S_3=8,69 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

Дастлабки хисоблаш учун уртача массивли девор қабул қиламиз, шунинг учун девор хисобий ҳарорати учун энг совуқ қунлик ва энг совуқ беш қунлик ҳароратларининг 0,92 таъминланиш коэффициентидаги уртачасини қабул қиламиз.

$$t_H = \frac{(-18) + (-16)}{2} = -17^\circ\text{C}$$

Деворнинг талаб этилган иссиқлик утказувчанлик қаршилигини қийматини аниқлаймиз.

$$R_0^{mp} = \frac{(18-17) \cdot 1}{6 \cdot 8,7} = 0,7(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})/\text{Вт}$$

КМК 2.01.04 -97 га биноан девор ташқи катлами юзасини иссиқлик утказувчанлик коэффициентный қабул қиламиз.

$$\alpha_H=23 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})$$

$$R_H = \frac{1}{\alpha_H} = \frac{1}{23} = 0,043 (\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C})/\text{Вт}$$

Гишtdан терилган катлам δ_2 никалинлигини аниқлаймиз.

$$0,62 = \frac{1}{8,7} + \frac{0,03}{0,76} + \frac{\delta_2}{0,76} + \frac{0,02}{0,70} + \frac{1}{23};$$

$$0,62 = 0,115 + 0,039 + \delta_2 / 0,76 + 0,029 + 0,043$$

Ташки тусикни умумий калинлигини аниклаймиз

$$0,62 - 0,226 = \frac{\delta_2}{0,76}; \delta_2 = 0,33 \text{ м}; \delta_0 = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 = 0,03 + 0,33 + 0,02 = 0,375 \text{ м}$$

Ҳисобларни текшириш

Кабул килинган ташки девор курилмасининг иссиқлик инерцияси характеристикасини кийматини аниклаймиз.

$$D = D_1 + D_2 + D_3$$

$$D_1 = R_1 \cdot S_1 = \frac{0,03}{0,76} \cdot 9,6 = 0,379$$

$$D_2 = R_2 \cdot S_2 = \frac{\delta_2}{\gamma_2} \cdot 9,6 = \frac{0,375}{0,76} \cdot 9,6 = 4,74$$

$$D_3 = R_3 \cdot S_3 = \frac{0,02}{0,7} \cdot 8,69 = 0,248$$

$$D = 0,379 + 4,74 + 0,248 = 5,37$$

Яъни $4 < D < 7$, бунда ташки деворимиз юкори массивликка таълуқлидир, бу эса ташки хаво хисобий хароратини дастлабки хисобига тугри келмайди.

Шундай килиб, Навоий шахри учун ташки хаво хисобий хароратини, яъни энг совук беш кунликнинг уртача харорати $t_n^3 - 0,92$ таъминланиши буйича олинади $t_n = t_n^3 = -16^\circ \text{ C}$.

Унда такроран ташки деворни талаб этилган иссиқлик қаршилигини аниклаймиз.

$$R_0^{np} = \frac{(18+16) \cdot 1}{6 \cdot 8,7} = 0,67 (\text{м}^2 \cdot ^\circ \text{C}) / \text{Вт}$$

Ушбу кийматни эътиборга олиб, гиштдан терилган асосий катлам калинлигига аниклик киратамиз.

$$0,67 = \frac{1}{8,7} + \frac{0,03}{0,76} + \frac{\delta_2}{0,76} + \frac{0,02}{0,70} + \frac{1}{23};$$

$$0,62 = 0,115 + 0,039 + \delta_2 / 0,76 + 0,029 + 0,043$$

$$\frac{\delta_2}{0,76} = 0,67 - 0,226 = 0,45$$

$$\delta_2 = 0,45 \cdot 0,76 = 0,35$$

Шундай қилиб, қабул қилинадиган ташки девор калинлиги

$$\delta_0 = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 = 0,03 + 0,35 + 0,02 = 0,4$$

ва меъёрий талабларни қаноатлантиради, бунда

Тусинни умумий термик қаршилигини аниқлаймиз ($\text{м}^2 \cdot ^\circ \text{C}$)/Вт

$$R_0^{mp} = \sum \frac{\delta_1^3}{\gamma_1^3} = 0,04 + 0,5 + 0,03 = 0,57 (\text{м}^2 \cdot ^\circ \text{C}) / \text{Вт}$$

$$\frac{1}{R_0} = K = \frac{1}{0,67} = 1,5$$

Термагиштар қалинлиги қуйидаги ярим гиштулча миқдорлиги бўйича қуйида қуйида қиларни ташиқилэтади.

0,26; 0,38; 0,51; 0,64; 0,76 м.

Шуларга асосланиб ташиқидеворнинг хақиқий иссиқлик утқазишга қаршилигини

$R_0^{\text{факт}}$, $\text{м}^2 \cdot ^\circ \text{C} / \text{Вт}$ ни топа миз.

$$R_0^{\text{факт}} \frac{1}{\alpha_v} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} = \frac{\delta_2^{\text{факт}}}{\lambda_2} = \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \frac{1}{\alpha_n}$$

$\delta_0^{\text{факт}} = 0,38$ м деб қабул қиламиз, чунки

$\delta_2 = 0,26 < 0,38 < 0,51$ дир бунда

